

Мужтаҳидлар даражалари

10:15 / 24.03.2017 3567

(жумхур (кўпчилик) уламолар наздида)

1) **“Мустақил мужтаҳид”** (لوقت س م ل ده ت ج م ل). Бу мужтаҳидда ижтиҳод шартлари мукамал бўлиб, ўзи учун мустақил равишда усулул фикҳ (фикҳий қоидалар)ни тузади. Мисол учун: Тўрт фикҳий мазҳаб имомлари: Имом Аъзам Абу Ҳанифа (Нуъмон ибн Собит Кўфий, 80 – 150 ҳижрий йил), имом Молик (Молик ибн Анас, 93 – 179 йил), имом Шофеъий (Муҳаммад ибн Идрис Қураший Ҳошимий Мутталибий, 150 – 204 йил) ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал (Абу Абдуллоҳ Шайбоний, 164 – 241 йил). Ибн Обидийн бу табақани “Шариат ичидаги мужтаҳидлар табақаси” деб номлаган.

2) **“Мустақил бўлмаган мутлақ (эркин) мужтаҳид,”** (ق ل ط م ل ده ت ج م ل ري غ ل وقت س م ل). Бундай мужтаҳидда ҳам мустақил мужтаҳидда бўлгани каби ижтиҳод шартлари топилади. Аммо ўзи учун фикҳий қоидаларни ижод этмайди (тузмайди). Балки, ижтиҳодда фикҳий мазҳаб имомларидан бирининг йўлидан боради. У ижтиҳодда эркин бўлса-да, бирор имомга боғлиқ (мансуб) бўлиб, ўзича мустақил эмасдир. Бу табақага фикҳий мазҳаб имомларининг хос шогирдлари киради. Мисол учун: Ҳанафий мужтаҳидлардан имом Абу Юсуф (Яъқуб ибн Иброҳим Кўфий, 113 – 182 йил), имом Муҳаммад (ибн Ҳасан Шайбоний, 132 – 189 йил) ва имом Зуфар (ибн Ҳузайл ибн Қайс Кўфий, 110 – 158 йил). Моликий мужтаҳидлардан имом Абдурахмон ибн Қосим (вафоти 191 ҳижрий сана), имом Ашҳаб ибн Абдул Азиз Қайсий (150 – 204 йил), имом Асад ибн Фурот Тунисий (145 – 213 йил). Шофеъий мужтаҳидлардан имом Юсуф ибн Яҳё Бувайтий (вафоти 231 йил) ва имом Исмоил ибн Яҳё Музаний (вафоти 264 йил). Ҳанбалий мужтаҳидлардан имом Абу Бакр Асрам (Аҳмад ибн Муҳаммад Хуросоний Бағдодий, вафоти 273 йил) ва имом Абу Бакр Маррузий (Аҳмад ибн Муҳаммад, вафоти 274 йил). Ибн Обидийн бу табақани “Мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар табақаси” деб номлаган. Бу мужтаҳидлар устозлари белгилаган (аниқлаган) фикҳий қоидаларга мувофиқ шаръий далиллардан

ҳукмлар чиқозишликка қодирдирлар. Шу билан бирга устозларига баъзи фаръий ҳукмларда муҳолиф бўлсалар-да, аслий қоидаларда устозларига тақлид қилишади. Мазкур икки даражадаги мужтаҳидлар анчадан бери йўқдирлар!

3) **“Муқайяд мужтаҳид”** (ديقمل دهتجملا). Бу табақага яна “Мазҳаб бошлиғидан бирор ривоят бўлмаган янги масалалар мужтаҳиди” (دهتجم له بدهملا بحاص نع اهيف صن ال ىتلا لئاسملا) ёки “мужтаҳиди тахрийж” (جىخىتلا دهتجم) деб ҳам номланади. Улар аслий ва фаръий масалаларда ўз мазҳаб имомига қарши бўла олмайдилар. Лекин янги масалаларни имоми тузган “усулул фикҳ” қоидаларига асосан ечадилар. Мисол учун: Ҳанафий уламолардан Хассоф, имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий Мисрий (239 - 321), Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн Кархий (вафоти 340 йил), Ҳалвоний, Шамсул аиммаҳ Сарахсий, Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Баздавий (вафоти 482 ҳижрий сана) ва Қозихон (Ҳусайн ибн Мансур Ўзжандий Фарғоний, вафоти 592 йил). Моликий уламолардан Абҳарий ва Ибн Абу Зайд Қайрвоний. (Қайрвон Тунисдаги бир шаҳарнинг номи). Шофеъий уламолардан Абу Исҳоқ Шерозий, Марвазий, имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий (вафоти 310), Абу Наср ва Ибн Хузайма. Ҳанбалий уламолардан Қози Абу Яъло ва Қози Абу Али ибн Абу Мусолар. Бу табақадаги уламоларга яна “Асҳобул вужуҳ” ҳам дейилади.

4) **“Мужтаҳиди таржийҳ”** (جىجرتلا دهتجم). Бу табақадаги уламолар ўз мазҳаби имомининг қавли билан бошқанинг қавли орасини ё имом айтган қавл билан имомнинг шогирдлари ёки бошқа мазҳаб имомлари айтган қавллар орасини таржийҳ қилади яъни, ривоятларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал (ортиқ) қўйиш қудратига эгадир. Мисол учун: Ҳанафий уламолардан Қудурий ва “Ҳидоя” муаллифи Бурҳониддин (Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр Фарғоний Ришдоний Марғиноний (511 - 593 ҳижрий сана). Моликий уламолардан Аллома Халил. Шофеъий уламолардан имом Рофеъий ва имом Яҳё ибн Шараф Нававий Димашқий (631 - 676). Ҳанбалий уламолардан Абул Хаттоб Маҳфуз ибн Аҳмад Калузоний Бағдодий (вафоти 510 ҳижрий сана) ва “Ҳанбалий мазҳаби мунаққиҳи” (ҳанбалий фикҳини қайта кўриб чиқиб, баъзи хатоларини тўғрилаган) қози Алоуддин Мирдовийлар.

5) **“Мужтаҳиди фатво”** (ایت فلالا ده تجم). Бу табақадаги уламоларнинг вазифаси ўз фикҳий мазҳабини муҳофаза (ҳимоя) қилиш, маълумотларини кейинги авлодга нақл қилиш, аниқ ва ноаниқ масалаларни бир-биридан ажратиш ҳамда, “Ақво” (энг кучли), “Қавий” (кучли), “Заъиф” (кучсиз), “Рожих” (эҳтимоли кўп) ва “Маржуҳ” (эҳтимоли кам) каби маълумотларнинг ораларини фарқлашдир. Бироқ маълумотларнинг далилларини тақрир қилиш ва қиёсларини таҳрир қилиш борасида кучсиздир. Бу табақага мутааххирийн уламолардан мўътабар тўрт “Мутун” (фикҳий матнлар) соҳиблари киради. Мисол учун: Ҳанафий уламолардан “Канзуд дақоик”, “Ад дуррул мухтор”, “Виқоя” ва “Мажмаъул анҳур” китоблари муаллифлари. Шофеъий уламолардан имом Рамлий ва имом Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний (773 – 852).

Юқорида зикр қилинган сифатларнинг биронтасига эга бўлмаган мўмин-мусулмонларга “муқаллидлар табақаси” дейилади.

[Абдул Азим ЗИЁУДДИН](#)